



STAGES OF THE FORMATION OF THE COMPULSORY EXECUTION SYSTEM IN NEW UZBEKISTAN

Khasan Murotovich Kabirdjanov

Department head

Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: enforcement proceedings, state executive, simplified procedure.

Received: 16.08.24

Accepted: 18.08.24

Published: 20.08.24

Abstract: This article analyzes the stages of formation of the system of compulsory execution of court documents and documents of other bodies in New Uzbekistan and offers to further improve the legal documents related to the field.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЖБУРИЙ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Хасан Муротович Кабирджанов

Бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ижро иши юритуви, давлат ижрочиси, соддалаштирилган тартиб.

Аннотация: Мазкур мақолада Янги Ўзбекистонда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш тизимини шаклланиш босқичлари таҳлил қилиниб соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш таклифи берилган.

ЭТАПЫ СТАНОВЛЕНИЯ СИСТЕМЫ ПРИНУДИТЕЛЬНОГО ИСПОЛНЕНИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Хасан Муротович Кабирджанов

руководитель отдела

Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: исполнительное производство, государственный исполнитель, упрощенная процедура.

Аннотация: В данной статье анализируются этапы становления системы принудительного исполнения судебных документов и документов других органов в Новом Узбекистане и предлагается дальнейшее совершенствование нормативно-правовых документов, связанных с данной сферой.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “**2-Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари**”[1] да суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини оширишнинг устувор вазифалар белгилаб берилди.

Янги Ўзбекистонда мажбурий ижро этиш тизимининг шаклланиш босқичлари ҳақида сўз юритилганида, даставвал Ўзбекистонда ижро иши юритиш тарихини таҳлил қилган миллий олимларимиз қарашларига тўхталиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ёш олимларимиздан Бурхонова ўзининг “Мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш масалалари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил” мавзуси юзасидан юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида ижро иши юритувининг илк шаклланиш босқичларидан бугунги кунга қадар бўлган даврни таҳлил қилган. Олима бу борадаги тадқиқотини Сомонийлар давлатидан то бугунги кунга қадар бўлган даврни қисман таҳлил қилишга ҳаракат қилган [2].

Илк бор IX-X асрларда суд қарорларини ижросини таъминловчи мансабдор шахс фаолият юрита бошлаган. Амирининг барча фармонларини ижро этувчи мансабдор шахс — «Амири-ҳорис»лар бўлган [3]. Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида ҳам ушбу масъул шахс ҳақида тўхталиб ўтилган. Хусусан, унинг яшаш шароити учун барча зарур буюмлар бўлганлиги ҳамда унга нисбатан барча хурматда бўлганлиги таъкидлаб ўтилган [4].

Айрим манбаларда эса, мухтасиблар томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш билан бирга, қарзларни мажбурий ундириш каби вазифалар ҳам юклатилганлиги қайд этилган [5].

Олима ўз тадқиқотларида соҳа тарихига назар солиб, ўз диссертациясида бир қатор қимматли маълумотлардан фойдаланган бўлсада ижро иши юритувининг ривожланиш

босқичларини даврлаштираганини кўришимиз мумкин. Бу борада яна бир олим А.Ҳамидов томонидан мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижро иши юритувининг ривожланиш босқичларини янада аниқроқ ва батафсилроқ баён этилган бўлиб унга кўра, соҳанинг ривожланиш даврини уч босқичга ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Олим бунда, асосий эътибор ушбу институтнинг қайси давлат органи вакили сифатида фаолият юритганига эътибор қаратган бўлиб, ушбу босқичлар ўзига хослигига кўра бир-биридан фарқ қилишини айтади. Хусусан,

биринчи босқич, 1991-2001 йиллар – суд ижрочиларининг судлар таркибида фаолият кўрсатган давр;

иккинчи босқич, 2001-2017 йиллар – ижро иши юритувига оид асосий Қонун қабул қилиниб, мазкур институт Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти сифатида фаолият кўрсатган давр;

учинчи босқич, 2017 йилдан яъни, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлаш бўйича махсус ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибига киритилгандан эътиборан ҳозирги кунга қадар бўлган янги даврдир [6].

Бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини мажбурий ижро этиш алоҳида ўрин касб этмоқда. Айнан шу нуқтаи назардан Янги Ўзбекистонда мажбурий ижро этиш тизимининг ривожланиш тенденциялари соҳани рақамлаштириш, ижро ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг муқобил усуллари, яъни бир қатор мажбурий ижро ҳаракатларини инсон омилисиз бажариган ҳолда давлат ижрочиларининг иш ҳажмини нисбатан камайтириш, коррупциявий муносабатларни олдини олиш қаратилди.

Хусусан, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5059-сон Фармони билан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, ижро ҳужжатлари ҳамда ундирилган маблағларнинг ҳаққоний ҳисобини юритиш, ижро иши юритишда сансалорлик ва сууистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди.

Мазкур Фармонда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти фаолиятини ташкил этишдаги жиддий камчиликлар ижро иши юритилиши самарадорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатганлиги, амалдаги ундирув кўрсаткичининг 2016 йилда атиги 45 фоизни ташкил этганлиги, идоралараро ҳамкорликнинг ва Суд департаменти фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг паст даражадалиги ижро ҳужжатлари ҳисоби юритилишида ҳаққонийликни таъминлашга, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишига салбий таъсир кўрсатганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тугатилган Суд департаментининг Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Бюрога ўтказилди [7].

Илгари Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизимида юритилиб келинган “суд ижрочиси” тушунчаси “давлат ижрочиси” атамаси билан алмаштирилиб, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш Бюронинг давлат ижрочилари зиммасига юклатилди.

Қонуннинг 12-боби (83-90-моддалар) давлат ижрочисининг мақомига бағишланган бўлиб, хусусан, Қонуннинг 83-моддасига кўра, ўрта махсус (юримик) ёки олий (юримик) маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, алоҳида ҳолларда эса, бошқа мутахассисликдаги олий маълумотга эга бўлган шахслар давлат ижрочиси бўлиши мумкин. Қоида тариқасида, олий юримик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси катта давлат ижрочиси бўлиши мумкин [8].

Янги ижро тизимининг афзал томонларидан бири шундан иборатки, давлат ижрочиси юримик маълумотга эга бўлиб, хизматга қабул қилинган кунидан бошлаб бир йилдан сўнг аттестациядан ўтказилиши лозим. Аттестациядан муваффақиятли ўтганидан сўнг прокуратура органи ходими сифатида хизматни олиб боради. Прокуратура органи ходими сифатида барча имтиёзларга эга бўлади, прокуратура органи ходими унвонига эга бўлиб, махсус кийим кийиш ҳуқуқига эгадир. Бу эса фуқаролар билан ўзаро муносабатларига таъсирини кўрсатади. Яъни, қарздор давлат ижрочиси томонидан ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида унга қаршилиқ кўрсатиш ҳолатларини олдини олишига қаратилган бир чора сифатида ҳам ҳисобласак бўлади. Муқаддам суд ижрочилари хизмат вазифаларини бажариш давомида махсус кийим кийиш тартиби жорий этилмаганлиги масъулиятни оширувчи ҳуқуқий нормаларнинг мавжуд эмаслиги, уларнинг хизмат фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир қилган.

Бюро ташкил этилганда, дастлаб коммунал соҳада ҳам айрим ваколатлар мавжуд эди. Хорижий давлатлар, хусусан, МДХга аъзо давлатлар тажрибасида ҳам суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари асосида ундирувчи ташкил этиш ҳамда коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар асосида ундирувчи ташкил этиш вазифасини ягона орган зиммасига юклаш амалиёти деярли учрамайди. Шу сабабли, дастлабки босқичда энергия ресурсларини етказиб берувчи ва коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фойдасига кўрсатилган хизматлар ва етказиб берилган ресурслар учун тўловларни ундириш вазифаси мажбурий ижро бюроси органларига вақтинчалик чора сифатида юкланган эди. Ўз навбатида ушбу амалиёт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги ПФ-6010-сон “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” [9] ги Фармонида асосан бекор қилинди. Ушбу Фармон мажбурий ижро органлари томонидан уларнинг том маънодаги асосий вазифаси – суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш билан шуғулланиши учун ташкилий қафолатларни яратди.

Соҳада ахборот-коммуникация технологияларидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида давлат раҳбари ташаббусига кўра, Бюро фаолиятининг ахборот-коммуникация соҳасидаги самарадорлигини ошириш юзасидан бир қатор қарор ва фармойишлар қабул қилинган [10].

Соҳада ахборот-коммуникация технологияларидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида давлат раҳбари ташаббусига кўра, Бюро фаолиятининг ахборот-коммуникация соҳасидаги самарадорлигини ошириш юзасидан бир қатор қарор ва фармойишлар қабул қилинган [11].

Жумладан:

- ижро тартиб-таомилларини янада соддалаштириш;
- суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ва ўз вақтида ижро этишни таъминлаш;
- фуқароларни ҳақ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш концепцияси.

Шу ўринда бир муҳим масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сонли Қарорида икки ой муддатда ижро ҳужжатларининг маълумотлар базасини ташкил этиш ва юритиш, шунингдек суд ижрочилари томонидан ундирилган маблағларни назорат қилишга мўлжалланган ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш бўйича давлат раҳбари томонидан берилган топшириқ қарийб кейинги ўн йилдан ортиқ муддат давомида ҳам рўёбга чиқарилмаган эди. Ушбу масала мазкур тизим Бош прокуратура ҳузурида қайта ташкил этилганидан сўнг, давлат раҳбарининг 2017 йил 20

июндаги ПҚ–3070-сонли қарори билан ташкил этилган Бюронинг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш маркази томонидан амалда бажарила бошланди десак муболаға бўлмайди.

Хусусан, ушбу марказ томонидан яратилган Ягона корпоратив портал – “МИБ портал” бу, Бюро ходимларининг марказлашган электрон иш майдонини яратиш учун мўлжалланган “виртуал офис” бўлиб, давлат ижрочилари ижро ҳужжатларини ижро қилишда ушбу порталнинг “МИБ Ижро” ахборот тизимидан фойдаланади. Мазкур тизим бугунги суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш, ижро ҳужжатларининг ҳисобини юритиш ва ижро ҳаракатларини амалга оширишда бошқа ваколатли давлат органлари билан тезкор ахборот алмашишда муҳим аҳамият касб этмоқда [12].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.03.2018 йилдаги “Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш тўғрисида”ги ПҚ–3597-сон қарори билан Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизими яратилди, қарздор-жисмоний шахслар ва уларнинг мол-мулклари, шунингдек, олиб берилиши лозим бўлган болани қидиришда Бюро ва давлат органлари, банк муассасалари ва бошқа ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш, давлат ижрочиларининг қарорлари, топшириқлари, кўрсатмалари, билдиришномалари ва бошқа хабарномаларини, шунингдек, уларга жавобларни тегишли давлат органлари, банк муассасалари ва бошқа ташкилотларига электрон ҳужжат кўринишида юбориш (қабул қилиш), суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаётган қарздорларга, шу жумладан уларнинг мол-мулклари ва мулкӣ ҳуқуқларига нисбатан чеклов чораларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида қўллаш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 мартдаги ПҚ–4236-сон “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ давлат ижрочиларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини мажбурий ижро этишни таъминлаш бўйича самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичларини (KPI), шунингдек, улар фаолиятини баҳолаш, хизмат бўйича кўтариш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш ҳамда ушбу кўрсаткичларни қўллаш тартиби жорий этиши белгиланган [13].

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2020 йил 24 ноябрдаги ПФ–6118-сон Фармони “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қабул қилинди. Хужжатда Мажбурий ижро бюроси ва унинг директори мақоми мустаҳкамланган, мажбурий ижро этиш жараёнига аралашмаслик ва давлат ижрочисига ноқонуний таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик тамойили белгиланган. Бюро устидан парламент назорати ўрнатилди. Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича республика ва ҳудудий кенгашлари ташкил этилади. Улар маслаҳатлар бериш ва эксперт-таҳлил қилишга доир вазифаларни бажарадилар. Шунингдек, ижро хужжатлари Бюро органлари иш юритувида ҳудуд ва тоифаларга тааллуқли бўлиши белгиланди, қарздорлар алиментларни Алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизими орқали тўлашлари белгиланди, бунда пуллар алоҳида банк ҳисобварағига келиб тушади, сўнгра Бюро томонидан расмийлаштирилган олувчининг банк картасига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2024 йил 3 январдаги ПФ–1-сон Фармони “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги имзоланди. Фармонга кўра, суд хужжатлари асосида ижро хужжатларини фақат электрон шаклда бериш тартиби жорий этилди, фуқаролардан қарздорликлари учун ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган энг кам кафолатланган даромад белгиланди. Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларининг сўзсиз ижросини таъминловчи «Мажбуриятлар реестри» институти жорий этилиши белгиланди, давлат ижрочиси лавозимига олий маълумотга эга бўлган шахсларни қабул қилинишига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, амалдаги ўрта махсус маълумотга эга давлат ижрочилари Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида босқичма-босқич ўқитилиши кўрсатилди.

Умуман олганда, сўнгги йилларда, яъни 2017 йилдан буён соҳа фаолиятини янада такомиллаштириш йўлида давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган қабул қилинган Фармон ва Қарорлар, шунингдек Ҳукумат қарорлари суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро қилишда ахборот технологияларидан имкон қадар кенг фойдаланган ҳолда давлат ижрочиларининг иш ҳажмини нисбатан камайтириш, ижро ишини юритишда бир қатор процессуал ҳаракатларни автоматлаштиришни назарда тутди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Янги Ўзбекистонда мажбурий ижро этиш тизимининг шаклланиш тенденциялари фаолиятни рақамлаштиришга қаратилди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси.
2. Г.Ш.Бурхонова Мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш масалалари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил 12.00.07. – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Т.:2022 Б.17.
3. К.В.Тревер, А.Ю.Якубовский, М.Э.Воронец. Ўзбекистон халқларининг тарихи 1-том. ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти. –Тошкент. 1950. – Б.47.
4. Низомулмулк. «Сиёсатнома» (Сияр-ул-мулк). –Тошкент. «Янги аср авлоди». 2008. –Б.156.
5. Г.Р.Маликова. ю.ф.д. Генезис отечественной прокуратуры.// Вестник Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан. С-21
6. А.О.Ҳамидов. Суд қарорлари ижросини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш масалалари. 12.00.07. – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Т.:2024 Б.25.
7. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.09.2022 й., 06/22/220/0812-сон
8. <https://www.lex.uz/acts/26477> кириш санаси 09.01.2024 йил
9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.06.2020 й., 06/20/6010/0776-сон
10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.03.2019 й., 07/19/4236/2762-сон
11. : Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилдаги 12 мартдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4236-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги 24 ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сон Фармони Lex.uz. Миллий қонунчилик базаси
12. А.О.Ҳамидов. Суд қарорлари ижросини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш масалалари. 12.00.07. – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Т.:2024 Б.111.
13. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.03.2019 й., 07/19/4